
Туман ҳокими Қароқчитолда "хонадонбай" ўрганишлар олиб борди
Бағдод тумани ҳокими Юсуфжон Хусаинов "Қароқчитол" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи аҳолининг ҳаётий муаммо ва мурожаатларини ҳал этиш мақсадида улар билан тўғридан-тўғри очиқ мулоқотлар ўтказди ва хонадонбай юриб, мавжуд муаммоларни ўрганди.

Ўрганишлар давомида, асосан маҳалладаги ички йўлларни таъмирлаш, суюлтирилган газ етказиб бериш оралиғини қисқартириш, саломатликни тиклаш ва болалар спортини ривожлантиришда амалий ёрдам сўраб қилинган мурожаатлар кўриб чиқилди. Барча мурожаатлар ижроси учун тегишли масъуллар бириктирилиб, алоҳида назоратга олинди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-02-11 16:50:51